

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Наманган вилояти Давлат активлари  
бошқармаси бошлиғининг биринчи**

**Хринбосари,**

**Тайлор комиссияси раиси**

**А. Ахмадалиев**

**май 2022 йил**



**Наманган вилояти Давлат активлари бошқармаси томонидан  
ўтказиладиган давлат активлари жумладан, корхоналардаги давлат  
улушлари, бўш турган давлат мулки обьектлари ва сотилиши  
белгиланган ер майдонлари тўғрисида тадбиркорлар ва инвесторлар  
учун “Roadshow” (тақдимот) ўтказилиши муносабати билан,  
ўтказиладиган тадбир учун ташкилотни танлаш бўйича**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**БУЮРТМАЧИ:** Наманган вилояти Давлат активлари бошқармаси

**Наманган-2022**

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Товар ва хизматларинг характеристикиаси**

<b>№</b>	<b>Номи</b>	<b>миқдори</b>
1	Наманган вилояти Давлат активлари бошқармаси томонидан ўтказиладиган давлат активлари жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулки объектлари ва сотилиши белгиланган ер майдонлари тўғрисида тадбиркорлар ва инвесторлар учун “Roadshow” (тақдимот)	1

**1.2.** Танлов қиймати **60 000 000** (олтмиши миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Кўсатиладиган хизмат бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 календар кун.

**1.5.** Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1.** Наманган вилояти Давлат активлари бошқармаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Наманган шаҳар А.Навои кўчаси 72-үй

**2.2.** Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

**2.3.** Танлов Наманган вилояти Давлат активлари бошқармаси - “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 3 фоизи миқдоридаги заколат маблағларининг, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

ўз кучлари билан илгари етказиб берган махсулотлари тўғрисидаги маълумотлар; Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштиркчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БҮЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БҮЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳраб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартариш киритиш хукуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишига ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.